

IV. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2018 йилнинг январь-сентябрида 8899 та янги кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва дәҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18,5 % кўп демакдир.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида (27,5 %), саноат тармоғида (19,1 %), қурилиш тармоғида (12,3 %), яшаш ва овқатланишда (8,6 %), ташиш ва сақлашда (5,2 %) ташкил этилган.

**2018 йил январь-сентябрь ойларида янги ташкил этилган
кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий
фаолият турлари бўйича улуши, фоизда**



2018 йилнинг январь–сентябрида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 20359,8 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 71,6 %ни) ёки 2017 йилнинг январь– сентябрига нисбатан ўсиш суръати 108,5 %ни ташкил қилди;
- 7368,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 51,6 %ни) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь–сентябрига нисбатан ўсиш суръати 125,4 %ни ташкил қилди;

– 4786,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 73,6 %) ва 2017 йилнинг январь– сентябрига нисбатан ўсиш суръати 114 % ни ташкил қилди;

– 17226,1 млрд.сўмлик хизматлар кўрсатилиб (жами хизматлар ҳажмининг 50,2 %) 2017йилнингянварь–сентябринисбатан ўсиш суръати 105,5 % ни ташкил қилди;

– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 76,2 % ёки 15999,8млрд. сўми (ўсиш суръати 3,2 % ни ташкил қилди) шакллантирилди;

– 482,4 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 22,8 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, бу эса 2017 йилганисбатан 122,8 млн. АҚШ долларига ёки 34,1 % га кўп;


– автомобиль транспорти юк айланмасининг 5,7 %га (жами автомобил транспорти юк айланмасининг 70,2 %) кўпайиши таъминланди;

– йўловчи айланмасининг эса 3,1 % га (умумий йўловчи айланмасининг 78,1 %) кўпайиши тъминланди;


Кичик тадбиркорликнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлардаги улуши (умумий ҳажмига нисбатан млрд. сўмда)

Худудлар бўйича энг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Олмазор тумани (2977,6 млрд.сўм), Яшнобод тумани(2546,2 млрд.сўм),Сергели тумани (2450,5 млрд.сўм) ва Чилонзор тумани (2219,7 млрд.сўм) ҳиссасига тўғри келади. Бектемир туманида (1433,2 млрд.сўм), Яккасарой (1198,5 млрд.сўм)ва Миробод туманида (746,1 млрд.сўм) ушбу саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

2018 йил январь-сентябрида худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати




2018 йил январь-сентябрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати



Ҳудудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Учтепа тумани (2519,6 млрд.сўм), Бектемир (2315,5 млрд.сўм), Чилонзор (2290,7 млрд.сўм), Шайхонтохур (2172,1 млрд.сўм) ва Юнусобод (1943,0 млрд.сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

2018 йил январь-сентябрида худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва ўсиш суръати



Худудлар бўйича кўпроқ хизматларҳажми Юнусобод туманида (2079,2 млрд.сўм), Шайхонтохур (2046,1 млрд.сўм) Мирзо-Улугбек (1923,9 млрд.сўм), Чилонзор (1891,3 млрд.сўм) ва Миробод (1730,4 млрд.сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

2018 йил январь-сентябрида кичик тадбиркорликнинг иқтисодий кўрсаткичлардаги худудлар бўйича улуши, фоизда

	<i>Саноат</i>	<i>Курилиш</i>	<i>Хизматлар</i>
Тошкент шаҳри	71,6	73,6	50,2
<i>туманлар:</i>			
Бектемир	63,7	37,7	97,0
Мирзо-Улугбек	43,5	66,4	55,7
Миробод	42,6	41,0	33,7
Олмазор	90,6	96,3	71,9
Сергели	85,0	99,4	46,6
Учтепа	91,2	90,3	85,2
Чилонзор	82,6	83,0	58,0
Шайхонтохур	53,5	43,7	57,6
Юнусобод	85,7	85,2	32,2
Яккасарой	89,8	98,1	66,8
Яшнобод	71,0	99,7	39,9

Худудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улушкини Учтепа туманида (91,2 %), Олмазор туманида (90,6 %), Яккасарой туманида (89,8 %), Юнусобод туманида (85,7 %), Сергели туманида (85,0 %) ва Чилонзор туманида (82,6 %) ташкил этади.

Курилишда Яшнобод (99,7 %), Сергели (99,4 %), Яккасарой (98,1 %), Олмазор (96,3 %) ва Учтепа (90,3) туманларига ташкил этади.

Хизматлар соҳасида Бектемир (97,0 %), Учтепа (85,2 %) ва Олмазор (71,9 %) туманларига ташкил этади.


2018 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 62,2 % ни ташкил қилди (2017 йилнинг январь-сентябрида 63,4 %). ЯИМ таркибида пасайиши йирик корхоналар улуши ошиши билан тушунтирилади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2018 йил III - чорак яқунларига қўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди. Унда 254 дан ортиқ респондентлар иштирок этди.

Кузатув маълумлотлари таҳлили, курилиш соҳасида респондентларнинг 13,3 % иқтисодий вазиятни – қулай ва 70,0 % эса қониқарли деб ҳисоблашини, мос равишда савдо соҳасида – 16,2 % ва 66,2 %, хизматлар соҳасида – 10,9 % ва 74,3 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига – 0,0 % ва 75,0 %, саноатда – 11,8 % ва 66,7 % ни ташкил қилганини кўрсатди.


Жорий иқтисодий вазиятга пессимистик рухда ёндашганлар саноатда – 21,6 %, курилишда – 16,7 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига – 25,0 %, хизматларда – 14,9 % ва савдода – 17,6 % ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорликда иқтисодий вазиятни баҳолаш январь сентябрь ойлари учун, фоизда



Иқтисодий вазият яқин уч ойдақишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига яхшиланиш 0,0 %, ўзгаришсиз 100 %, ёмонлашиш 0,0 %, саноат корхоналари яхшиланиши 23,5 %, 68,6 % и ўзгаришсиз, ёмонлашиш эса 7,8 % ни, савдо – яхшиланиш 35,3 %, ўзгаришсиз 63,2 %, ёмонлашиш 1,5 %, хизматларда яхшиланиш 53,5 %, ўзгаришсиз 44,6 %, ёмонлашиш 2,0 %, ва қурилиш тармоғига яхшиланиш 33,3 %, ўзгаришсиз 53,3 %, ёмонлашиш 13,3 % кутилмоқда.

Кичик тадбиркорлик (бизнес)да иқтисодий вазиятнинг ўзгаришлар истиқболини яқин уч ойда баҳоланиши, фоизда



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора тадбирлар натижисида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳолаётганлигини хулоса қилиш мумкин.